



journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>

## IMPORTANT ASPECTS OF STATE POLICY IN THE REGULATION OF MIGRATION PROCESSES

**B. M. Rakhmonaliev**

*Researcher*

*Tashkent State University of Oriental Studies*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** globalization, International Migration Organization, labor market, immigration and emigration, unemployment, labor force, employment, migration, labor migration, socio-economic situation, demographic situation.

**Received:** 09.02.24

**Accepted:** 11.02.24

**Published:** 13.02.24

**Abstract:** In recent years, one of the important directions of the state policy of a developing country is the priority tasks aimed at regulating migration processes. It is human nature to seek new opportunities to study, work and generally live. The whole world is a field of opportunities for an aspiring person. Therefore, in today's globalized world, the process of migration is becoming more and more widespread. According to the International Organization for Migration (IOM), two-thirds of international migrants are labor migrants.

The economy of the countries of the world is developing day by day, and the struggle for talented technology workers and highly skilled workers is becoming the mainstay of immigration policy in developed countries. Based on the practical results of the large-scale economic and social reforms implemented in the new Uzbekistan, it is based on the need to make fundamental changes in the state's migration policy, as well as in all areas. Ways to improve this policy have been developed and mechanisms for effective management of migration in the republic have been proposed.

## **МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛААРИНИНГ ТАРТИБЛА СОЛИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУХИМ ЖИХАТЛАРИ**

**Б. М. Рахмоналиев**

*Тадқиқотчи*

*Тошкент давлат шарқшунослик университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

## МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** глобаллашув, Халқаро миграция ташкилоти, меҳнат бозори, иммиграция ва эммиграция, ишсизлик, ишчи кучи, бандлик, миграция, меҳнат миграцияси, ижтимоий-иктисодий вазият, демографик вазият.

**Аннотация:** Сўнгги йилларда ривожланаётган давлатнинг давлат сиёсати муҳим йўналишлардан бири миграция жараёнларини тартибга солишга қаратилган устувор вазифалардир. Инсон табиатига кўра, ўқищ, ишлаш ва умуман, яшаш учун янги имкониятлар қидиришга интилади. Интилган инсон учун эса бутун дунё имкониятлар майдони. Шу боис, ҳозирги глобаллашаётган дунёда миграция жараёни тобора кенгайиб бормоқда. Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) маълумотига кўра, халқаро мигрантларнинг учдан икки қисми меҳнат мигрантлари ҳисобланади.

Дунё мамлакатларининг иқтисодиёти кун сайин ривожланиб бормоқда ва иқтидорли технология ходимлари ва юқори малакали ишчилар учун кураш ривожланган мамлакатларда иммиграция сиёсатининг асосий таянчига айланмоқда. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар, уларнинг амалий натижаларидан келиб чиқсан ҳолда барча соҳаларидек каби давлатнинг миграцияси сиёсатида туб ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги асосланган. Ушбу сиёсатни такомиллаштиришнинг йўллари ишлаб чиқилган ҳамда республикада миграцияни самарали бошваришни ташкил этиш механизмлари таклиф этилган.

## ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В РЕГУЛИРОВАНИИ МИГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ

**Б. М. Раҳмоналиев**

*Исследователь*

*Ташкентский государственный университет востоковедения*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** глобализация, Международная организация по миграции, рынок труда, иммиграция и эмиграция, безработица, рабочая сила, занятость, миграция, трудовая миграция, социально-экономическая ситуация, демографическая ситуация.

**Аннотация:** В последние годы одним из важных направлений государственной политики развивающейся страны являются приоритетные задачи, направленные на регулирование миграционных процессов. Человеку свойственно искать новые возможности для учебы, работы и вообще жизни. Весь мир – поле возможностей для стремящегося человека. Поэтому в современном глобализированном мире

процесс миграции приобретает все большее распространение. По данным Международной организации по миграции (МОМ), две трети международных мигрантов являются трудовыми мигрантами.

Экономика стран мира развивается день ото дня, а борьба за талантливых технологических работников и высококвалифицированных рабочих становится основой иммиграционной политики развитых стран. Опираясь на практические результаты масштабных экономических и социальных реформ, реализуемых в новом Узбекистане, она основывается на необходимости внесения принципиальных изменений в миграционную политику государства, а также во всех сферах. Разработаны пути совершенствования этой политики и предложены механизмы эффективного управления миграцией в республике.

## **КИРИШ**

Глобаллашув инсониятнинг ҳаракатланишини ва дунёдаги миграция жараёнини оширишга ёрдам беради. Айни пайтда аҳоли миграцияси ривожланаётган давлатлар учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим омилларига айланиб бормоқда. Ҳозирги замонавий босқичда у ёки бу даражада бўлсада, биронта ҳам мамлакат миграция муносабатларидан четда қолгани йўқ. Мамлакатлар ўртасидаги ишчи кучи халқаро миграциянинг миллий меҳнат бозорини ягона бозорга бирлаштиради. Глобаллашув жараёнининг ривожланиши билан миграция оқими ҳам тобора жадаллашиб борди ва ушбу масалани ҳал этиш давр талабига айланмоқда.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

XX аср боши иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий инқирозлар, урушлар ҳамда буларнинг оқибатида рўй берган ҳудудий ўзгаришлар, шунингдек, дунё ҳаритасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши каби бир қатор воқеа-ходисалар билан тарихда муҳрланди. Мазкур ҳодисаларга қуидагиларни санаб ўтиш мумкин: миграциянинг улкан оқимига сабаб бўлган Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари (бунинг натижасида Болтиқбўйи, Польша, Югославия ва Руминиядан немисларнинг кўчиб кетиши; Шарқий Европа мамлакатларидан сиёсий эмиграция); Африка ва Осиёдаги миллий-озодлик ҳаракатлари оқибатида миграция тўлқинлари; Хитойдаги фуқаролик уруши; Вьетнамдаги уруш – ушбу воқеаларнинг барчаси бутун дунё ҳамжамиятига таъсир ўтказган ижтимоий-иктисодий муаммоларни келтириб чиқарган одамларнинг ёппасига кўчишига сабаб бўлиб хизмат қилди.

Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсир этувчи омиллардан бири аҳоли миграцияси ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли миграциясини иккита тенденция белгилаб беради. Биринчи тенденция аҳолининг миграцион ҳаракатдаги иштироки ошибб, бу ҳол умумий ижтимоий-иқтисодий ўсиш ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиши билан, иккинчи тенденция эса, аҳолининг республикадан ташқарига кўчиб кетиши ҳамда ушбу ҳодисанинг миллий иқтисодиётга таъсир қилиши билан боғлиқдир. Умуман, ҳозирги кунда аҳолининг миграцион ҳаракати иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар таъсири остида шаклланмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, миграция жараёни муайян вақтларда кучайиб-пасайиш тенденциясига эга бўлиб, маълум ҳудуд, мамлакат, минтақа ижтимоий ҳаётига ўзининг ижобий, салбий, керак бўлса, сиёсий таъсирини ўтказади. Шу боисдан ҳам миграция жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш, уни бошқариш масалалари алоҳида эътибор талааб қиласди.

Биринчи навбатда халқаро меъёрларда белгиланган ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин қасб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизлиқдан ҳимояланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг муҳим масала ҳисобланади.

Дунё тажрибасини кўрадиган бўлсак, барча давлатларда миграция жараёнларини бошқаришда, давлат сиёсатини олиб боришда ҳуқуқий механизmlар турлича йўлга кўйилганлигига гувоҳ бўламиз.

Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) маълумотига кўра, халқаро мигрантларнинг учдан икки қисми меҳнат мигрантлари ҳисобланади. Энг аввало меҳнат мигрантларинг ҳаракатланиши яни экспорт қилувчи ва импорт қилувчи давлатлар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак уларда ҳам тенденсиларда турлича эканини қўришимиз мумкин.

Тадқиқотчи М. Кисцилина эса, меҳнат иммиграцияси ва эмиграцияси оқибатларини таҳлил қилган ҳолда, ишчи кучи импортчиларининг қўйидаги афзалликларга эга бўлишини таъкидлайди:

- ишчи кучи танқислигига учраган минтақаларни меҳнат ресурслари билан таъминлаш;
- хорижликларни паст малакали ишларга ёллаган ҳолда маҳаллий аҳолини нисбатан мамлакали ишларга жалб қилиш;
- мигрантларни жалб қилиш шароитида ишчи кучи киймати пасайиши ва харажатлари қисқаришига эришиш;
- мигрантларнинг жамғаришга мойиллиги туфайли нархлар ўсишини тўхташи;
- нисбатан ёш ишчиларни жалб қилиш ҳисобига меҳнат ресурслари сифати ошиши.

Тадқиқодчи Д. Расурова эса, меҳнат миграциясининг назарий асослари борасида тадқиқотлари асосида қабул қилувчи мамлакатлар қўйидаги имкониятларга эга бўлишини таъкидлайди:

- нисбатан арzon ишчи кучини жалб қилишда мамлакатлар ишлаб чиқариш харажатлари қисқариши туфайли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, малакали меҳнат ресурсларини импорт қилишда эса унга сарфланадиган таълим ва касбий тайёргарлик харажатларини тежашга муваффақ бўладилар;
- хорижий ишчилар хисобига қўшимча маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилишга бўлган талабнинг ошиши натижасида қабул қилувчи мамлакатдаги ишлаб чиқариш ҳажми ўсади ва қўшимча бандлик рағбатлантирилади;
- хорижий ишчи кучига ишсизлик ҳамда инқироз каби ҳолатларида қўшимча амортизатор сифатида қаралади ҳамда бундай шароитда улар биринчилардан бўлиб ишдан бўшатиладилар;
- хорижий ишчи кучи пенсия ва ижтимоий тўловлар билан таъминланмайди.

Шунингдек, меҳнат мигрантларини қабул қилаётган мамлакатда салбий таъсирини ҳам кўрсатади. Е.Лии аҳоли миграцияси меҳнат ресурсларини қабул қилувчи мамлакатдаги аҳолининг сифат кўрсаткичлари ёмонлашишига олиб келиши мумкинлиги, шунингдек, миграция жараёнлари комплекс ҳолат бўлиб, уни соддалаштириш қийин кечишини таъкидлайди.

Е. Гаврилов фикрича, мамлакатда ижтимоий бекарорлик даражаси ортиши, миллатлараро низолар юзага келиши, ресурсни тежовчи технологияларни жорий қилишга қизиқиши сусайиши кабилар меҳнат миграциясининг салбий оқибатлари ҳисобланади.

Меҳнат мигрантларини экспорт қилувчи мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу жараёнда мигрантларни экспорт қилувчи мамлакатларни миграция сиёсати қай даражада мукаммал ёки аксини белгилаб беришини қузатиш мумкин.

Тадқиқотчи Е. Гаврилов эса, меҳнат ресурсларини экспорт қилувчи мамлакатлар учун қўйидаги ижобий оқибатлар юзага келишини таъкидлайди:

- меҳнат ресурслари экспорти қўшимча даромад манбани шакллантиради;
- меҳнат эмиграцияси ортиқча меҳнат ресурслари босимини камайтиради ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат киласди;
- экспорт қилинган меҳнат ресурсларининг янги касбий малакага эга бўлиши учун сарфланадиган харажатлар тежалади;
- пул ўтказмалари эвазига аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги даромадлари фарқи камаяди.

Россиялик тадқиқотчилар Д. Бондарёва ва И. Сорочайкинлар донор мамлакатларнинг меҳнат миграцияси эвазига қуйидаги имкониятларни эга бўлишини таъкидлайди:

1. Маълумот даражаси паст бўлган мигрантларнинг маҳсус тайёргарлик талаб қилмайдиган хизмат кўрсатиш, савдо, транспорт, меҳмонхона, ресторон, сартарошхона каби хизмат кўрсатиш соҳаларида иш билан таъминланиш имкониятига эга бўлиши.
2. Мигрантларнинг “этник иқтисодиёт”да иштирок этишлари, яъни тўлов қобилиятига эга бўлган этник ватандошига хизмат кўрсатиш ҳисобига буюртмачилар хизматини бажариш билан ўз даромадларини ошириши.
3. Мигрантлар ўз маблағларини Ватанларига инвестиция қилиш билан янги иш ўринлари яратилиши ва ЯИМнинг ортишига хизмат қилиши.
4. Мигрантларнинг чиқиб кетиши ички бозордаги рақобат курашининг сусайишига олиб келади.

Бу жараён юзасидан француз иқтисодчиси А.Совининг фикрича, миграция жараёнларининг давомийлиги характерга эга бўлган тақдирда ҳам демографик жиҳатдан салбий оқибатларсиз кечмаслигини таъкидлаб, эр ва хотиннинг алоҳида яшашлари учун туғилиш кўрсаткичларини қисқартиришига олиб келади, деган хуносага келади.

Ҳар жараённи салбий ва ижобий томонлари мавжуд. Меҳнат мигрантларини экспорт қилувчи мамлакатларга салбий таъсир қилувчи омиллари ҳам мавжуд.

Меҳнат миграцияси юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор олимларнинг аксарияти ишчи кучини экспортидан кутиладиган энг катта салбий оқибат бу “ақлларни, малакали кадрларни оқиб кетиши” деб таъкидлашади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатдаги тайёр малакали, тажрибали мутахассисларни чиқиб кетиши билан боғлиқ.

Хозирги вақтда миграцияни тартибга солиши, шу фаолият билан шуғулланиш, чет давлатлар билан миграцияси бўйича ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Президентимиз ва Хукуматимизнинг бир неча фармон ва қарорлари, битимлари ҳамда идоралараро битимлар қабул қилинган. Ушбу норматив ҳуқуқий хужжатлар асосида мазкур соҳа имкон қадар тартибга солиб келинмоқда.

Миграциясини тартибга солишининг институционал асослари кучайтирилишига зарурат мавжуд, бунда ушбу жараённи тартибга солишига масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Меҳнат мигрантларининг аксарият қисмини эркаклар ташкил этади, мигрант аёлларнинг салмоғи деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Мигрантлар таркибида ёшларни салмоғи эса аксинча ортиб бормоқда. Мигрантларнинг асосий қисмини ўрта ва ўрта маҳсус маълумотли фуқаролар ташкил этади.

Меҳнат ресурсларини чет элга ишлаш учун кетишга ундовчи омиллар асосан қисқа муддатларда кўп маблағ тўплаш истаги билан боғлик эканини кўрсатмоқда. Хорижга кетаётган мигрантларнинг асосий қисми муайян машғулотга эга бўлган шахслардир.

Мигрантларнинг деярли ярми расмий меҳнат шартномаларисиз фаолият юритади. Уларнинг салмоқли қисми дам олиш кунларисиз ва меъёrlаштирилмаган иш кунларида ишлайди.

Мигрантлар томонидан бажариладиган ишларнинг асосий қисмини малака талаб этмайдиган ишлар ташкил этади. Бунинг асосий сабаби мигрантларнинг катта қисми қурилиш соҳасида ёрдамчи ишларда банд эканлиги билан боғлик.

Лекин давр ўтган сайин давлатимиз жаҳон ҳамжамиятига интеграллашиб бормоқда ва бунинг натижасида нафақат ташқи меҳнат миграцияси балки, меҳнат билан боғлик бўлмаган миграция масалаларини ҳам тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш зарурати туғилмоқда. Миграция жараёни тартибли тарзда бўлиши ва ишчи кучи миграцияси тўғри бошқарилиши керак, бунинг учун эса, фикримизча, қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

**Биринчидан**, “Миграция тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиши. Конуннинг қабул қилиниши миграцияси сиёсатидаги муносабатларини тартибга солиш ҳамда одам савдосини олдини олиш бўйича ягона мейёрий хужжат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Иккинчидан**, мигрантларнинг қонуний иш билан бандлигини миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасида миллий қонунчилик ва давлатлараро меъёрий-хуқукий базасини янада такомиллаштириш. Шунингдек, ишчи кучига катта эҳтиёж сезаётган ривожланган мамлакатларни аниқлаш ва яқин келажакда бундай талаб ортишини прогнозлаштирган ҳолда мазкур давлатлар билан ишчи кучи етказиб бериш тўғрисида икки томонлама шартномалар тузиш.

**Учинчидан**, минтақалардаги ички, норасмий миграция жараёнларини, меҳнат ресурсларининг минтақалараро ҳаракатланиши, тақсимланиш жараёнини бошқариш ҳамда уни мониторинг қилиш имкониятларини кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳамда йирик маҳалла фуқаролар йигинлари қошида аҳоли статистикаси бўйича миграция масалалари билан шуғулланувчи бўлим ташкил этиш тавсия этилади.

**Тўртинчидан**, худудлардаги Ташқи меҳнат миграция масалалари агентлигининг филиаллари ваколатларини кенгайтириш. Сабаби, марказлашган тартибда фаолият юритиши натижасида фуқароларга анчайин қийинчиликлар туғилмоқда. Яъни хозирги давр талабидан келиб чиқиб, ушбу соҳада хам номарказлаштиришга қараб ҳаракатланиш керак.

**Бешинчидан**, “Ақл кўчиши”га йўл қўймаслик учун малакали ишчиларни Республикаизда қолиб меҳнат қилишларини ҳар томонлама рағбатлантириш. Бунда хорижга

мехнат мигрантларини етказиб беришда танлаб жўнатиш, яъни энг юқори малакали мутахассислар аниқланган пайтда уларни ўзимиздаги маҳаллий корхоналарда қолиб ишлари учун қўшимча имтиёзлар таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун давлат ва хусусий агентликларининг мажбурий бадал ва тўловлари хисобидан шаклланадиган “Ақл кўчиши”ни олдини олиш учун маҳсус жамғарма ташкил этиш зарур бўлади.

Саккизинчидан, миграцияда, жумладан, меҳнат миграциясидаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларини автоматлаштирилган ҳисоби бўйича марказий маълумотлар базасини яратиш, миграция соҳасидаги статистик ҳисботни сифат жиҳатдан яхшилаш. Миграцияни бошқаришда тизимли аниқ рақамларга қараб сиёsat юритиш.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки меҳнат муносабатлари кенг интеграллашиб бораётган ҳозирги глобаллашув даврида кишиларнинг халқаро меҳнат нормаларини билиши ва уларга қатъий риоя этиши жуда муҳим омиллардан саналади. Бу масала халқаро меҳнат жараёнларида турли салбий оқибатларни олдини олишга хизмат қиласди. Ноқонуний меҳнат миграция таъсиридан фуқароларни айниқса ёшларни ҳимоя қилиш эса ҳар бир ривожланаётган давлатлар олдида турган долзарб устувор вазифалардан саналади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Исақов Л.Х. Миграция соҳасида давлат бошқарувининг қиёсий-хуқуқий таҳлили. Ном.Дисс -Т.: 2018.Б.26
2. Кислицина М.В.Проблемъ! государственного управления и проблемм совершенствования внешний(международный) миграции.: Автореферат.канд. дисс. экон. наук. -М., 2007. С.15.
3. Расулова Д.В.Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. Монография. -Т., 2010. Б. 52.
4. Everett S. Lee. A Theory of Migration//Demography.Vol. 3, No. 1 (1966), P. 47-57.
5. Гаврилов. Е.В. Трудовая миграция из стран СНГ в Россию: социально-экономические последствия и регулирование. Канд дисс -М., 2008.С.64.
6. Вондарёва Д.А ,Сорочайкин И.А Мировой рынок труда//Экономика и управление в XXI веке.Самара.№2.2012.С.92-93.
7. Sovy A. General theory of the population. Moscow 1977.P.168, 344. Бу ҳакида: Ионцев. В.А. Международная миграция населения: Закономерности, проблемм, перспективм. -М., 1999. С.126.